

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

„15 “ февраль 2018 й. г. № 124

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Адлия органлари ва муассасаларининг моддий-техника базасини
мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Адлия органлари ва муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, шунингдек адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағларидан самарали ва мутаносиб равишда фойдаланишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2018-2019 йилларда адлия органлари ва муассасаларининг биноларини қуриш ва таъмирлаш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Дастурда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш доирасида:

буюртмачилар этиб – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри адлия бошқармалари;

бош лойихачи ва пудратчи ташкилотлар этиб – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилган тендер (танлов) савдолари натижалари бўйича голиблар;

молиялаштириш манбалари этиб – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, Тошкент давлат юридик университетида ўқитишнинг оширилган тўлов-контракт суммалари ҳисобидан тушадиган маблағлар, ҳомийлик ва халқаро донорларнинг техник ёрдам маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда Дастурда кўрсатилган объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида, сифатли ишлаб чиқилиши, давлат экспертизасидан ўтказилиши ва объектларда қурилиш-монтаж ишлари бажарилишини устувор равишда давлат-хусусий шерикчилик асосида таъминласин.

4. Тошкент давлат юридик университети 2017/2018 ўқув йили учун тўлов-контрактлар шаклида ўқитишдан тушадиган маблағларнинг бир қисмидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасига ажратмалар ўтказишдан озод қилинсин.

5. Белгилансинки, 2018 йил 1 мартдан бошлаб адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, шу жумладан Тошкент давлат юридик университетида ўқитишнинг оширилган тўлов-контракт суммасини тўлашдан тушадиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги салбий тафовутни қоплашга йўналтирилиши мумкин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига 2018 йил 1 мартдан қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “15” февралдаги
124 -сон қарорига
1-илова

**2018-2019 йилларда адлия органлари ва муассасаларининг биноларини қуриш ва таъмирлаш
ДАСТУРИ**

№	Тадбирлар номи	Қиймати (млн. сўм)	
		2018 йил	2019 йил
I. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри адлия бошқармаларининг биноларини қуриш ва таъмирлаш			
1.	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати биносининг фасад қисмини таъмирлаш	1 450	-
2.	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати биноси ички хоналарини таъмирлаш ва иситиш тизимини янгилаш	2 789	-
3.	Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги биносини капитал таъмирлаш	-	2 000
4.	Бухоро вилояти адлия бошқармаси биносини қуриш	1 000	3 500
5.	Навоий вилояти адлия бошқармаси биносини қуриш	-	6 500
6.	Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси биноси қурилишини яқунлаш	6 500	-
7.	Хоразм вилояти адлия бошқармаси биносини қуриш	8 000	-
8.	Тошкент вилояти адлия бошқармаси биносини қуриш	7 000	-
Жами:		26 739	12 000
II. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари биноларини қуриш ва таъмирлаш			
<i>Қорақалпоғистон Республикаси</i>			
1.	Қораўзак тумани ФХДЁ бўлими биносини қуриш	2 000	-
2.	Нукус тумани ФХДЁ бўлими биносини қуриш	2 000	-
3.	Тахтакўпир тумани ФХДЁ бўлими биносини қуриш	2 000	-
4.	Тўрткўл тумани ФХДЁ бўлими биносини қуриш	2 000	-
5.	Элликқалъа тумани ФХДЁ бўлими биносини қуриш	-	2 000
6.	Қорақалпоғистон Республикаси ФХДЁ бўлими архиви биносини таъмирлаш	-	1 200

<i>Андижон вилояти</i>			
7.	Олтинкўл тумани ФХДЁ бўлими биносини куриш	2 000	-
8.	Кўрғонтепа тумани ФХДЁ бўлими биносини куриш	2 000	-
<i>Бухоро вилояти</i>			
9.	Олот тумани ФХДЁ бўлими биносини куриш	2 000	-
10.	Бухоро тумани ФХДЁ бўлими биносини куриш	-	2 000
11.	Вобкент тумани ФХДЁ бўлими биносини куриш	-	2 000
12.	Когон тумани ФХДЁ бўлими биносини куриш	2 000	-
13.	Ромитан тумани ФХДЁ бўлими биносини куриш	2 000	-
14.	Бухоро шаҳри “Бахт уйи” биносини куриш	4 500	-
<i>Жиззах вилояти</i>			
15.	Бахмал тумани ФХДЁ бўлими биносини куриш	1 900	-
<i>Қашқадарё вилояти</i>			
16.	Шаҳрисабз шаҳри ФХДЁ бўлими биносини куриш	1 950	-
<i>Навоий вилояти</i>			
17.	Томди тумани ФХДЁ бўлими биносини реконструкция қилиш	300	-
<i>Самарқанд вилояти</i>			
18.	Каттакўрғон тумани ФХДЁ бўлими биносини куриш	-	2 000
19.	Жомбой тумани ФХДЁ бўлими биносини таъмирлаш	500	-
20.	Пайарик тумани ФХДЁ бўлими биносини таъмирлаш	200	-
<i>Сурхондарё вилояти</i>			
21.	Сариосиё тумани ФХДЁ бўлими биносини куриш	1 681	-
22.	Шеробод тумани ФХДЁ бўлими биносини куриш	1 469	-
<i>Сурдарё вилояти</i>			
23.	Ширин шаҳри ФХДЁ бўлими биносини куриш	-	1 500
24.	Янгиер шаҳри ФХДЁ бўлими биносини куриш	1 500	-
25.	Сардоба тумани ФХДЁ бўлими биносини куриш	-	1 500
26.	Гулистон шаҳри “Бахт уйи” биносини таъмирлаш	700	-
<i>Тошкент вилояти</i>			
27.	Олмалиқ шаҳри ФХДЁ бўлими биносини куриш	2 000	-
28.	Нурафшон шаҳри ФХДЁ бўлими биносини куриш	2 000	-
29.	Бўка тумани ФХДЁ бўлими биносини куриш	2 000	-
30.	Чиноз тумани ФХДЁ бўлими биносини куриш	640	-

31.	Чирчиқ шаҳри ФХДЁ бўлими биносини таъмирлаш	300	
32.	Қибрай тумани ФХДЁ бўлими биносини таъмирлаш	300	
<i>Тошкент шаҳри</i>			
33.	Олмазор тумани ФХДЁ бўлими биносини таъмирлаш	-	260
34.	Яшнабод тумани ФХДЁ бўлими биносини таъмирлаш	160	-
35.	Тошкент шаҳри ФХДЁ архиви биносини таъмирлаш	-	220
36.	Тошкент шаҳри “Бахт уйи” биносини куриш	5 810	-
37.	Юнусобод тумани 2-сон “Бахт уйи” биносини таъмирлаш	140	-
38.	Яккасарой тумани 1-сон “Бахт уйи” биносини таъмирлаш	850	-
<i>Фарғона вилояти</i>			
39.	Данғара тумани ФХДЁ бўлими биносини куриш	2 000	-
40.	Фарғона тумани 1-сон ФХДЁ бўлими биносини куриш	2 000	-
41.	Ёзёвон тумани ФХДЁ бўлими биносини куриш	-	2 000
42.	Фарғона шаҳри 1-сон ФХДЁ бўлими биносини таъмирлаш	-	120
43.	Марғилон шаҳри ФХДЁ бўлими биносини таъмирлаш	-	150
<i>Хоразм вилояти</i>			
44.	Питнак шаҳри ФХДЁ бўлими биносини таъмирлаш	1 100	-
Жами:		52 000	14 950
Ҳаммаси:		78 739	26 950

Изоҳлар.

1. Ушбу Дастур тадбирларини амалга оширишнинг якуний қиймати объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш, тендер (танлов) савдолари натижалари бўйича, шунингдек реал шаклланадиган нархдан келиб чиққан ҳолда аниқлаштирилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, зарурат бўлганда, ушбу Дастурга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шу жумладан давлат-хусусий шерикчиликни жорий этиш бўйича вазифалардан келиб чиққан ҳолда, объектларни ўзгартириш ҳуқуқига эга.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “15” февралдаги
124 -сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган қўшимчалар ва ўзгартириш

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2010 йил 5 майдаги ПФ–4216-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2010 йил 2 июндаги 104-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 6-сон, 25-модда):

а) 2-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

“Бунда, мазкур маблағлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармасининг даромад ва харажатлари ўртасидаги салбий тафовутни қоплаш учун ҳам йўналтирилиши мумкин”;

б) 1-илованинг 8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Ҳар бир нотариус лавозимига камида 1 бирлик нотариус ёрдамчиси лавозими ва камида 1 бирлик нотариус котиби лавозими жорий этилади”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 23 декабрдаги 413-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2016 й., 52-сон, 603-модда) 1-бандининг “а” кичик банди тўртинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

“Бунда, мазкур маблағлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармасининг даромад ва харажатлари ўртасидаги салбий тафовутни қоплаш учун ҳам йўналтирилиши мумкин”.